

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ ХУСУСИДА

Латипов О.Ж.

Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети

Тилларни ўрганиш кафедраси доценти,

филология фанлари номзоди

Аннотация

Инсоннинг ҳайвонот олами билан уйғунлиги, ўхшашлиги ва фарқли жиҳатлари нимадан иборат эканлиги, мучал йилларининг айнан ҳайвонлар номларига алоқадорлиги, уларнинг қандай хислатлар ва шифобахш хусусиятларга эга эканлиги, улар билан боғлик бўлган баъзи бир бидъатлар, жаннатга инсондан ташқари қайси ҳавонлар ва нима сабабларга кўра киритилиши мумкинлиги, қайси ҳайвон гўшти истеъмол учун ҳалол қилингандиги каби жумбоқлар ҳали ҳамон кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Мазкур саволларнинг қалитини муққадас китобларда топишимиз мумкин. Ҳар бир жонзотнинг инсон ҳаётидаги ўз ўрни ва рамзий маъно касб этган ҳолда ижобий ёки салбий хислатга эга. Мазкур мақола жонзотларнинг инсоният ҳаётидаги ўрни, уларга нисбатан мавжуд муносабатларни ижобий томонга ўзгартириш бағишланган.

Калит сўзлар: ибрат, ибора, коннотация, ҳайвонот олами, муқаддас манбалар.

ANIMAL WORLD IN HUMAN LIFE IN SPECIFIC ASPECTS

Latipov O.J.,

Republic of Uzbekistan

University of Public Security

Associate Professor of the Department

of Language Studies,

candidate of philological sciences

Abstract

What is the harmony, similarities and differences of man with the animal world, the relationship of the many years to the names of animals, what are their characteristics and healing properties, some heresies related to them, which other than humans can be admitted to heaven and for what reasons, Conundrums such as which animal meat is halal for consumption are still the subject of much debate. We can find the key to these

questions in the holy books. Each creature has its place in human life and has a positive or negative character, having acquired a symbolic meaning. This article is dedicated to the role of creatures in human life, changing existing attitudes towards them in a positive direction.

Key words: metaphor, phrase, connotation, animal kingdom, sacred sources.

Инсоният азалдан ҳайвонот оламининг ҳулқ-атворини ҳамда унинг сирусиноатларини ўрганиб келади. Чунки инсоният ва ҳайвонот олами билан боғлиқ бўлган саволлар ҳар доим ҳам катта қизиқишиларга сабаб бўлган, десак муболага бўлмайди. Бундай саволлар сирасига қуидагилар киради дейиш мумкин. Масалан, инсоннинг ҳайвонот олами билан уйғунлиги, ўхшашлиги ва фарқли жиҳатлари нимадан иборат эканлиги, мучал йилларининг айнан ҳайвонлар номларига алоқадорлиги, уларнинг қандай хислатлар ва шифобахш хусусиятларга эга эканлиги, улар билан боғлиқ бўлган баъзи бир бидъатлар, жаннатга инсондан ташқари қайси ҳайвонлар ва нима сабабларга кўра киритилиши мумкинлиги, қайси ҳайвон гўшти истеъмол учун ҳалол қилинганилиги каби жумбоқлар ҳали ҳамон кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Мазкур саволларнинг қалити муққадас китобларда ўз аксини топган. Биздаги эътиқод ҳайвонларга нисбатан бўлган муносабатларимизни шакллантиришга хизмат қилган. Онг фақат инсонга хос, десак янглишамиз. Айрим жониворлар борки, уларнинг номи Қуръони каримда ҳамда ҳадиси шарифларда зикр этилган. Ҳатто уларнинг жаннатга кириши айтилган.

Сиздан «*Ҳайвонлар ҳам жаннатга кирадими?*» - деб сўрашса, сиз уларга қуидагича жавоб беринг: «Жаннатга қуидаги ҳайвонлар киради: «Асҳоби Каҳфнинг ити; Исмоил (алайҳиссалом)нинг қўйи; Солих (алайҳиссалом)нинг туяси; Узайр (алайҳиссалом)нинг эшаги; Набий алайҳиссаломнинг буроқ оти. Шунингдек, Аҳмад ибн Мухаммад Ҳанафий ўзининг «Ширъатул Ислом» асарига битган ҳошиясида Муқотилдан ушбу ҳайвонлар сонини ўнта, деган ривоятни келтирган. Унда Набий алайҳиссаломни мерожга олиб чиқсан буроқ оти ўрнига У зотнинг туялари зикр қилинган. Юқоридаги рўйхатдан ташқари, яна қуидаги ҳайвонлар зикр қилинган: Муҳаммад алайҳиссаломнинг туяси, Иброҳим (алайҳиссалом)нинг бузоғи, Мусо (алайҳиссалом)нинг сигири, Юнус (алайҳиссалом)нинг балиғи,

Сулаймон (алайҳиссалом)нинг чумолиси, Билқиснинг ҳудҳуди». Бинобарин, Абдураҳмон Жомий жаннатга кирадиган ўнта ҳайвондан бири “Ғор эгалари”нинг “Қитмир” деган итига атаб ёзган шеърида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Агар ғор эгаларининг ити жаннатга кирса, мен ҳам киришим керак. У Ғор эгаларининг ити бўлса, мен Сизнинг саҳобаларингизнинг итиман”, дейди.

Сиздан бирор ким «*инсондаги ҳайвонийлик сифатлари деганда нима тушиунилади?*» деб сўраса, сиз қуидагича жавоб беринг: Қизганчиқлик, очкўзлик, жинсий ва қорин шаҳватини қондириш учун ҳирс билан ташланиш, зино, баччабозлик, ўғирлик, етимларнинг молига хиёнат, дунё ортиришга меҳр кабилар ҳайвоний сифатдан туғилади.

Сиздан кимдир: «*Мучал йили бор нарсами, шунга ишонса бўладими?*» деб сўраб қолса, сиз унга: «Мучал ҳисоби қадимдан кўп халқларда ишлатилиб келинади. Ўн икки йилни ўн иккита ҳайвон номи билан атаб, мазкур йилларда шу жониворларнинг кўпайиши ва уларнинг баъзи хислатлари ўша йили туғилган чақалоқларда намоён бўлиши тажрибада учраб келади. Шунинг учун мучал ҳисобига шаръий асос бўлмаса-да, кўп йиллик тажрибани эътиборга олиб, уни истеъмолдан бутунлай чиқариб юбормаслик айни муддао бўлур эди», - деб жавоб беринг.

Сиздан кимдир: «*Динимизда уйга учиб келадиган арвоҳқапалак тўгрисида нима дейилган?*» - деб сўраб қолса, сиз унга: «Одамлар орасида қадимдан арвоҳқапалак тушунчалик мавжуд бўлиб, у шаръий асосга эга эмас, балки бу каби хурофий тўқима гапларга ишониш ва рост деб эътиқод қилиш айни гуноҳ ҳисобланади. Зоро, бу каби нотўғри тушунчалар ислом динимизнинг ақидавий асосларига мутлақо зиддир», - деб жавоб беринг.

Сиздан бирор киши: «*Инсонларга зарар етказадиган дайди итларни ўлдиrsa бўладими?*» - деб сўраб қолса, қуидагича жавоб беринг: «Динимизда зарар берадиган ҳайвонларни ўлдириш жоиздир. Хусусан, ёш болаларга ҳамла қилиши, касаллик тарқатиши ва шаҳар манзарасини бузиши каби заарлари очик-ойдин бўлса, ўлдирилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам илк бор Мадина гелганларида итларни ўлдиришга буюрганлар ва кейинчалик ундан қайтарганлар. Бироқ жониворни азобламай ўлдириш керак бўлади».

Сиздан «*таносух ҳақида*» сўрашса, сиз: «Таносух – руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги нотўғри ақида. Ўлганларнинг руҳи (жони) янги туғилган инсонларда, ҳатто ҳайвон ва ўсимликларда қайта мужассамланиши ҳақидаги тасаввурлар браҳманизм, ҳиндуизм ва Юнонистонда метемпсихоз каби ботил эътиқодларнинг илк шакллари билан боғлиқ равишда вужудга келган. Аммо ислом динида таносух ақидаси бутунлай рад этилади», деб жавоб беринг.

Сиздан бирор киши: «*Қандай ҳайвонлар гўштини еб бўлмайди?*» - деб сўраб қолса, сиз қуидагича батафсил жавоб беринг: «Сувда яшайдиган жониворлар ичида балиқдан бошқасининг гўшти ейилмайди. Жумладан, курбақа, қисқичбақа ва бошқа мўйнаси қимматбаҳо бўлган қундуз каби сувда яшайдиган жониворларнинг барчасининг гўшти ҳаромдир. Агар балиқ ўлиб, сув юзасига чиқиб қолган бўлса, ейилмайди. Ҳашаротлар орасида чигирткадан

яшайдиган жониворларнинг барчасининг гўшти ҳаромдир. Агар балиқ ўлиб, сув юзасига чиқиб қолган бўлса, ейилмайди. Ҳашаротлар орасида чигирткадан

бошқаси ҳалол эмас. Илон, типратикан (кирпи) каби судралиб юрувчи, кемириувчи ва қурт-қумурсқаларни еб бўлмайди. Хонаки ҳайвонлардан тужа, сигир ва қўй тезак ейдиган ёки дурда (вино сиқиб олинган қуйқа) бериб боқилган бўлса, гўштида қўланса ҳид бўлади. Уларга тоза ўт, ем бериб боқиб ҳидини йўқотиш керак. Қўланса ҳиди кетмай сўйилса, гўштини ейиш макрухдир. Таҳовийнинг «Мухтасар»и шархида: «Уларни кўп кунлар қамаб, бошқа озуқалар бериб боқмасдан туриб, сўйиб истеъмол қилиш ҳалол бўлмайди», дейилган. Имом Абу Юсуф Абу Ҳанифадан (раҳимаҳумулоҳ) шундай ривоят қиласи: «Нажосат ейдиган ҳайвон уч қун қамаб қўйилади». Имом Муҳаммад (раҳматулоҳ): «Уни қамаб қўйиш учун бирон вақт тайин қилинмаган», деган. Ибн Рустам Муҳаммаддан раҳматулоҳи алайҳ қилган ривоятда: «Тезак ейдиган тужа, қўй ва сигирларнинг сути ичилмайди...» дейилган. Барча йиртқич ҳайвонлар, йиртқич қушлар гўшти (тироқли ва тумшуқли) ҳалол эмас. Ўрдак, товуқ, кабутар, чумчук, қумри қуш, каклик, турналар ҳалолдир. Далада юрган товуқнинг гўшти ейилаверади. Чунки товуқ далада нажосатдан бошқа дон-дунлар билан ҳам озуқаланади. Аммо нажосатхўр товуқни қорнидаги овқати ҳазм бўлиб кетгунича, бир кун ё уч қун қамаб қўйган яхши. Уй эшагининг гўшти, сути, ёғи ҳаромдир (халқимизда бежизга “эшакнинг меҳнати ҳалол, ўзи ҳаром” дейилмаган). Гўшти ҳалол ҳайвонларнинг қонини, олатини, икки моягини, урғочи ҳайвоннинг сийдик чиқиши жойини, безларни, сийдик қопини, ўт қопини ейиш таҳримий макрухдир («Фатовойи Ҳиндия»).

Сиздан: **«Мўйнали ҳайвонлар терисига ишлов берса ёки офтобда обдон қуриса пок бўладими?»** - деб сўралса, сиз қуидаги жавоб беринг: «Бўғизланмай ўлиб қолган ёки гўшти ҳаром ҳайвонларнинг (чўчқадан бошқа) териси ошлаш билан покланади. Офтобда қуриса ёки тупроқ билан нами кетказилса ҳам тери пок бўлади, бироқ сув тегса, у яна нажосатга айланади. Шу боис гўшти ейилмайдиган, ҳаром ўлиб қолган ҳайвонларнинг терисидан оёқ кийим ёки лиboslar тикишдан олдин уларни поклаш учун ошлаш зарур бўлади» («Викоя», «Маслакул муттақин»).

Сиздан: **«Бўрсиқ ёгини даволикка ичса бўладими?»** - деб сўралса, сиз қуидаги жавоб беринг: «Динимизда шер, қирғий, тулки, калхат, айик, бўри, сувсар, олмахон, қарчиғай, сиртлон, бургут, гўнгқарға, фил, йўлбарс, бўрсиқ, маймун, типратикан, қоплон, мушук, жайра каби озиқ тишлари ва тирноқлари билан ов қиласидан барча ҳайвонларнинг гўштлари ейилмайди, деб буюрилган. Бундай жониворларнинг ёғи ҳам, сути ҳам истеъмол қилинмайди («Фатовойи Ҳиндия»). Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат қиласидар: «Аллоҳ таоло сизларга ҳаром нарсаларни шифо қилмади», деганлар (*Имом Табароний ривояти*). Шифо бўлар экан, деб ҳаром нарсаларни истеъмол қилиш жоҳилликка далолат қиласи. Оғир хаста одамга ўлим хавфи туғилганида, шифокорлар охирги

чора сифатида тавсия беришсагина, ундан зарурат миқдорида фойдаланиш жоиз бўлади. Аммо касаллик чекина бошлиши билан, уни тўхтатиб, бошқа дорилар истеъмол қилинади».

Сиздан: «*Баҳира, васила ва ҳомий* сўзларининг маъносини тушунтириб берга оласизми?» - дейилса, сиз қуидагича тушунтириб беринг: «Баҳира» – туюнинг эркак туғилган бешинчи боласи. Унинг қулоғини тешиб, холи қўйиб юборишар эди. Уни сўйиш ҳам ман этилар эди. «Соиба» – сафардан саломат қайтилса ёки касалликдан фориг бўлинса, бир туюни баҳира каби холи қўйиб юборишар эди. Шундай туюга «соиба» дер эдилар. «Васила» – қўй етти бор туққач, еттинчиси эркак бўлса, сўйиб ер эдилар. Агар урғочи бўлса, подага қўшиб юборардилар. Шу қўй номини «васила» - деб атаганлар. «Ҳомий» – ўн марта туққан чорва ҳайвонини минмасдан, юк юкламасдан, яйловга эркин қўйиб юборилар эди. Шу ҳимояланган жониворни «ҳомий» дер эдилар. Буларнинг ҳаммаси жоҳилият давридан қолган эскилиларидир.

Сиздан: «*Уйимда эшак ва бошқа уй ҳайвонлар бор, шулардан ҳам закот бераманми?*» - деб сўрашса, сиз қуидагича жавоб беринг: «Эшак, хачир, қоплон, ўргатилган итлардан тижорат учун сақланаётган бўлсагина закот берилади. Туя, сигир, қўй, эчкиларнинг бир ёшга тўлмаган болалари алоҳида боқилаётган бўлса, улардан закот берилмайди. Аммо уларга битта катта ёшлиси қўшилса ҳам, ҳаммаси унга тобе бўлиб қолади ва нисоб учун ҳисобга олинади. Масалан, 39 та қўзи билан битта уч ёшга қадам қўйгани бўлса, бир қўй закотга ажратилади».

Сиздан бир чорвадор: «*Чорва молларидан ҳам закот бериладими?*» - деб сўраб қолса, сиз қуидагича жавоб беринг: «Чорва молларининг эркагу урғочисидан нисобга етгач, закот берилади. Лекин шарти яrim йилдан ортиқ далада, ўтлоқда боқилган бўлиши ва мақсади сутидан фойдаланиш, наслини кўпайтириш, семиртириш, баҳосини ошириш бўлиши белгиланган. Ҳайвонларни боқищдан мақсади уларда юк ташиш, миниш бўлса, закот вожиб бўлмайди».

Сиздан: «*Парранда ва даррандаларнинг ахлати нажас ҳисобланадими?*» - деб сўралса, сиз қуидагича жавоб беринг: «Товук, ўрдак, ғоздан бошқа гўшти ҳалол паррандаларнинг ахлати тоза ҳисобланади. Инсон, ит ва йиртқич ҳайвонларнинг ахлати нажасдир. Лочин, калхат каби йиртқич қушларнинг ахлати кийимни бенамоз қилмайди. Паашша, бит, бурга қони ҳам шундай. Гўшти ҳалол ҳайвонларнинг сийдиги, Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздида, нажас, Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ наздида, енгил

нажас, Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ наздида, тоза ҳисобланади. Йиртқич қушларнинг оғзидан қолган сув ёки таом макруҳдир. Лекин улар қафас ёки бошқа ихота қилинган жойларда тоза емиш билан боқилаётган, тумшуқлари

нөпок нарсадан ифлосланмаётган бўлса, уларнинг оғзидан қолган ёки оғзи теккан нарса макруҳ эмас. Бу Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг сўzlари бўлиб, шундай деб берилган фатвони машойихлар маъқуллашган. Итнинг сарқити нажасдир. Ит ялаган идиш уч марта ювилади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам: «*Ит ялаган идиш уч марта ювилади*», деганлар. Ит сув ичганида тили сувга тегади, идишга эмас. Демак, идиш нажас бўлар экан, сувнинг нажас бўлиши аниқдир. Бу ҳадис (ит сарқитининг) нажас эканини ва ювиш ададини ифодалайди. Мазкур ҳадис Шофеъий розияллоҳу анхунинг «етти марта ювиш шарт» деганларига қарши хужжатдир. Чунки итнинг сийдиги теккан нарса уч марта ювиш билан пок бўлади. Сийдигидан енгилроқ бўлган сўлаги теккан нарсани (уч марта ювиш) лойикроқдир. Етти марта ювиш тўғрисида келган буйруқ Исломнинг аввалида ворид бўлган (ҳадис) деб, таъвил қилинган».

Сиздан бирор ким «*Маҳшар майдонида кимлар тўпланади?*» деб сўраб қолса, сиз куйидагича жавоб беринг: У кунда Маҳшар майдонида етти фалак ва етти ер мавжудотлари тўпланадилар. Улар: фаришталар, жинлар, инсонлар, шайтон, ваҳший ҳайвонлару йиртқич қушлардан иборат ҳалойик. Сўнгра қуёш уларнинг боши узра икки ёй миқдорида яқинлаштирилади, у ерда бутун оламлар Парвардигори соясидан бошқа соя қолмайди. Фақат муқарраб зотларгин бу соя остида бўладилар. Инсонлар икки гурӯҳга ажralадилар: бир гурӯҳ Аршининг соясида, бошқаси қуёшнинг ёндирувчи ҳарорати остида. Эритиб юборувчи бу қайноқ ҳарорат ғам-андухни кучайтиради. Зич ва тиқилинчдан оёклари чалкашиб кетаёган ҳалойик бир-бирини итаради. Бутун оламлар Парвардигори – Аллоҳ олдида бундай шармандали ҳолда бўлиш уларни янада қаттироқ ҳижолатга солади.

Демак, мазкур маълумотларга эга бўлиш орқали биз ўз хулқ-атворимиз, феълимизни ижобий томонга ўзгартирган ҳолда тегишли хulosалар қилиб, ҳалолликка юз тутишимиз ва албатта ибрат олишимиз мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. Аль-Бухари М. Сахих аль-Бухари [Свод хадисов имама аль-Бухари] (Краткое изложение): в 2-х томах / пер. с араб. В. А. Нирша. — 1-е изд. — М.: Благотворительный Фонд «Ибрагим Бин Абдулазиз Аль Ибрагим», 2002.
2. Атаев М. Сўранг – билиб оласиз. Т.: Ўзбекистон, 2022.
3. Латипов, О. (2023). RUS, O ‘ZBEK, TOJIK VA INGLIZ TILLARIDA “DOG/IT/SAG” ZOONIM SO ‘ZINING KONSEPTUAL TALQINI. Farg ‘ona davlat universiteti ilmiy jurnali, (1), 454-461.
4. Латипов, О. (2021). К вопросу об обучении языкам посредством выявления аналогий. Актуальное в филологии, 4(4).

5. Магдиева, С. С., Матенова, Ю. У., & Латипов, О. Ж. (2012). Методика преподавания русского языка в АЛ и ПК. Учебное пособие.
6. Магдиева, С. С., & Латипов, О. Ж. (2012). Русский язык. *Методическое руководство для учителей лицеев и колледжей по всем направлениям специальности.*
7. qizi Ikanova, L. S. (2020). IMPROVING LISTENING SKILLS THROUGH ICT. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(11), 334-338.
8. Ikanova, L. S. Q. (2024). SUDLANGAN SHAXSLAR VA MAHKUMLARNING XULQ ATVORI VA QAYTA JINOYAT SODIR ETISHINI BARTARAF QILISHDA TA'LIMNING TA'SIRI (AQSH TAJRIBASI MISOLIDA). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(1), 433-439.
9. Умарова, Ф. З. (2016). КОМПЕТЕНТНОСТЬ И НРАВСТВЕННОСТЬ КАК ВЗАИМОДОПОЛНЯЮЩИЕ ФАКТОРЫ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ РАБОТНИКА. In *Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития* (pp. 495-497).
10. TA'LIM, D. V. T. DUNYONING RIVOJLANGAN DAVLATLARIDA MAHKUMLARNING TAKROR JINOYAT SODIR ETISHINING OLDINI OLİSH BO'YICHA.
11. Umarova, F. (2011). The student's personal development as a key to sustainable development. *Lifelong Learning: Continuous Education for Sustainable Development: proc. of Int. coop./arr. NA Lobanov*, 564.
12. Ikanova, L. S. (2019). The impact of materials development, critical pedagogy and lgbt's issue on the language planning and policy. *Вестник педагогики: наука и практика*, (48), 68-70.
13. Ikanova, L. (2019). THE IMPACT OF THE MATERIALS DEVELOPMENT TO THE IMPLEMENTATION OF THE LANGUAGE PLANNING AND POLICY. *Electronic journal of actual problems of modern science, education and training*, 7-13.
14. Khasanova, D., Ulmasbaeva, M., & Ikanova, L. (2019). IT IS TIME TO CHANGE THE SUBJECT MATTER OF ENGLISH AT VOCATIONAL COLLEGE. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research*, 48-52.
15. Umarova, F. (2009). The introduction of a student-centered approach to learning in general secondary education. *Lifelong Education: Continuous Education for Sustainable Development: proc. of IAEA coop*, 7, 338.
16. Ikanova, L. (2019). Learners' digital literacy of students in language classrooms. *Trends in Teaching Foreign Languages: Achievements, Challenges and Solutions*, 98-99.

17. Умарова, Ф. З. (2022). КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ – ВАЖНОЕ ПРЕИМУЩЕСТВО БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 28), 429-434.
18. Ikanova, L. (2020). ANALYSIS OF TWO TASKS FROM THE POINT OF PRAGMATICS. *Modern trends in linguistics: problem and solutions*, 25-26.
19. Musayeva, S. I. (2023). KOMMUNIKATIV YONDASHUV VA INTERAKTIV METODLAR YORDAMIDA KURSANTLARNING MADANIYATLARARO MULOQOT KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 18(2), 94-100.
20. Musayeva, S. I. (2024). KURSANTLARNING MADANIYATLARARO MULOQOT KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA MULTIMADIA VOSITALARINING O 'RNI. *Ustozlar uchun*, 28(2), 98-103.
21. Ширинова, Н. (2023). ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА “ФАОЛЛИК” ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ. *MATERIALARI TO'PLAMI*, 330.
22. Ibrohimovna, M. S. (2019). TECHNIQUES OF IMPROVING SPEAKING IN ESP CLASSES FOR MILITARY. *CONDUCT OF MODERN SCIENCE-2019*, 139.
23. Ibrohimovna, M. S. (2019). BASICS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES THROUGH INTERCULTURAL COMMUNICATION COMPETENCE IN MILITARY EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(12).
24. Nilufar, S., Nargiza, S., & Nosir, R. (2023). Study of the gradual relations in differentiation of substance and attributive meanings in the english and uzbek languages.
25. Shirinova, N. D., & Shirinova, N. D. L. P. H. DOIR//ORIENSS. 2023.№ 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lisoniy-parallelizm-hodisasiga-doir> (дата обращения: 10.10. 2023).
26. Shirinova, N. D., & Shirinova, N. D. ORIENSS. 2023.№ 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lisoniy-parallelizm-hodisasiga-doir> (дата обращения: 10.10. 2023).